

РАМАЗОНДА ЖИНСИЙ ЯҚИНЛИК...

05:00 / 11.01.2017 9040

...Гарчи, воқеъликдаги ушбу мисолда иш бир оз енгилроқ бўлиб кўринса ҳам аслида иш ўта оғирдир. Рамазон рўзасининг бир кунини узрсиз ўтказиб юбориш улкан гуноҳдир. Унинг ўрнини тўлдириш жуда ҳам мушкулдир...

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади: **«Бир одам Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Ҳалок бўлдим, эй Аллоҳнинг Расули!» деди.**

«Сени нима ҳалок қилди?» дедилар.

«Рамазонда хотинимнинг устига чиқдим», деди.

«Қул озод қилишга нарса топа оласанми?» дедилар.

«Йўқ», деди.

«Икки ой кетма-кет рўза тута оласанми?» дедилар.

«Йўқ», деди.

«Олтмиш мискинга таом беришга нарса топа оласанми?» дедилар.

«Йўқ», деди.

Сўнгра кутиб ўтирди. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламга бир занбил хурмо келтирилди. У зот (ҳалиги одамга): «Мана буни садақа қилиб юбор», дедилар.

«Эй, Аллоҳнинг Расули, биздан кўра фақирроққами? Аллоҳга қасамки, у(Мадина)нинг икки чети орасида биздан кўра муҳтожроқ аҳли байт йўқ», деди.

Шунда Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам кулдилар, ҳатто тишларининг оқи кўриниб кетди. Сўнгра: «Бор! Уни аҳлингга таом қилиб бер», дедилар». Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: *Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:*

1. Рўзадор жинсий яқинлик қилса, рўзаси очилиши.
2. Рўзасини бузган рўзадор каффорот бериши вожиблиги.
3. Энг аввалги каффорат қул озод қилиш экани.

Бу Исломнинг қулдорликка қарши курашининг кўринишларидан бири. Мусулмон кишининг гуноҳини ювишга қул озод қилишнинг шарт қилиб қўйилиши шуни кўрсатмаса, нимани кўрсатар эди! Фақат гуноҳкор қул

озод қилишга қодир бўлмасагина, унга қарши бошқа чоралар кўрила бошлайди.

4. Каффорот бериш вожиб бўлган одам қул озод қилишга қодир бўлмаса, кетма-кет, орасини узмай олтмиш кун рўза тутиши лозим.

Рамазон рўзасини тутиш даврида сабрсизлик қилгани сабабли, сабрли бўлишга тузукроқ одатланиб олиши учун.

Албатта, олтмиш кун кетма-кет рўза тутиш осон эмас. Албатта, бунга қодир бўлиши мумкин кишиларга бошқа чора ҳам йўқ. Лекин ушбу биз ўрганаётган қиссанинг қаҳрамони, аъробийлардан бўлмиш Салама ибн Сахр розияллоҳу анҳу олтмиш кун кетма-кет рўза тутишга қодир эмас эдилар. Бошқа бир ривоятда келишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

«Икки ой кетма-кет рўза тута оласанми?» деганларида,

«Рўзани деб шу ҳолга тушиб турибман-ку!» деган.

5. Рамазонда жинсий алоқа қилиб, рўзасини очиб юборган одам икки ой кетма-кет рўза тутишга қодир бўлмаса, олтмиш мискинга таом беради. Ҳар бир мискинга бир мудд (1 мудд - 1843 ғиром) миқдорида таом беради. Бу эса, ўз навбатида гуноҳкор кишининг гуноҳини ювишга имкон яратиб бериш билан бирга мискинларга яхшилик қилиш йўли ҳамдир. Ислом дини мискин-фақирларга моддий ёрдам кўрсатиш учун ҳар бир қулай имкониятни тўлиқ ишга солган.

Ҳадиснинг охирида Салама ибн Сахр розияллоҳу анҳунинг аъробийларга хос соддалик ва очиқликлари гувоҳи бўламиз. У киши Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларига ҳадя қилиб келтирилган хурмо қобиғидан тўқилган занбилдаги олтмиш мискинга етадиган, олтмиш мудд миқдоридаги хурмони олтмиш мискинга бериш ҳақидаги гапларини эшитиши билан Мадинада ўзидан кўра мискинроқ аҳли байт йўқ эканини эслатди. Бу, ўзим еб қўйсам бўлавермайдими, дегани эди. Шундоқ ҳам бўлди. Лекин буни рўзасини бузгани учун мукофот маъносида тушунмаслик керак. Бу Салама ибн Сахр розияллоҳу анҳунинг ўзига хос. Бошқаларга мумкин эмас. Қолаверса, ҳозирча ўзинг еб тур, кейин топганинда каффоротни берасан, деган маъно ҳам бор.

Жумҳур уламолар жинсий алоқада қатнашгани учун аёл киши ҳам каффорот беради, деганлар.

Гарчи, воқеъликдаги ушбу мисолда иш бир оз енгилроқ бўлиб кўринса ҳам аслида иш ўта оғирдир. Рамазон рўзасининг бир кунини узрсиз ўтказиб юбориш улкан гуноҳдир. Унинг ўрнини тўлдириш жуда ҳам мушкулдир. Ушбу ҳадисда зикр қилинаётган каффоротлар бир кун тутилмай қолган,

хато туфайли очилган рўзанинг каффоротидир. Агар ўша миқдор икки ёки уч кунга ўтса, бир ой ёки бир умрга ўтса нима бўлишини бир ўйлаб кўриш керак.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам, узрсиз бир кун рўза тутмаган одам умр бўйи рўза тутиб ўтса ҳам ўша куннинг ўрнини тўлғиза олмайди, деганлар.

Яна бошқа бир ҳадисда бир кун рўза тутмаган одам қирқ йил жаннатнинг исини ҳам ҳидлай олмайди, деганлар. Шунинг учун Аллоҳ етказганига шукр қилиб, рўзани канда қилмай тутиш керак.

muslimaat.uz